

ПОЙТАХТНИНГ бир кунни

Киска саҳифаларда

Бугун Тошкент Давлат шарқшунослик институтида талабалар иштирокида «Миллий истиқлол ғояси» мавзuida ўтказилган илмий-амалий семинар-кенгашда Республика ҳамда Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат кенгашлари вакиллари иштирок этишди.

Бугун «Маиший кимё» оқш ҳиссасдорлик жамиятида ҳамма туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан бўлиб ўтган тадбир «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» деб номланди.

Эртага пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Фармед» корхонасида миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига янада чуқурроқ синдириш мақсадида бўлиб ўтадиган тадбир туман ҳокимлиги ҳамда Маънавият ва маърифат маркази ташаббускорлигида уюштирилди.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш шу куннинг долзарб талабидир. Шаҳримиздаги 12-автосаройга йиғилган хизматчилар иштирокида бўлиб ўтган тадбир бахтимиз қонуни — Конституцияни мукамал ўрганиш масаласига бағишланди.

Бугун «Фонан» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам «Хуқуқ ва бунор» мавзuida ўтказилган тадбирда йиғилганлар демократик жамиятда қонун устуворлигига эришиш мумкин эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўттиди.

Кеча шаҳримиздаги «Узин автосервис» қўшма корхонасида бўлиб ўтган «Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш — ҳозирги куннинг муҳим талаби» мавзuidaги ўқув машғулотини Чилонзор туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббускорлигида уюштирилди.

Тошкент Давлат маданият институтида талабалар ҳамда ўқитувчилар иштирокида ўзбек тили ва уни пухта ўрганиш масаласига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Эртага Юнусобод туманидаги «Ўзгеогазгаз» казино чиқариш бирлашмасида ўзбек тили мавзусига бағишланган ўтказилган анжуманда Тошкент Давлат юридик институти тилшунос олимлари иштирок этишди.

Саноат Маҳаллий хом ашёдан

Пойтахтимизда қурилаётган янги типдаги ўқув даргоҳлари, маъмурий ва турар жой биноларининг ташки ва ички қурилишларини янада кўркам қилиб турган ранг-баранг бўёқлар ҳамма туманида жойлашган «Химтекстентез» маъмурия чекланган жамиятда ишлаб чиқарилади. Корхонада, шунингдек, маҳаллий хом ашёдан уч турдаги — саноатда, қурилишда ва ёғочсозликда ишлатиладиган сифатли елимлар ҳам тайёрланади.

Корхона 1998 йилда ташкил этилган бўлиб, республика-мизнинг ички бозорларини ана шу турдаги сифатли, халқаро талабларга жавоб бера оладиган маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида фаолият бошлаган. Мазкур даргоҳда илк бор фақат уч турдаги елимлар ишлаб чиқарилган бўлса, бугунга келиб эса ана икки турдаги сўвда эрийдиган, яъни уларнинг ички ва ташки томонларини пардозлашда ишлатиладиган бўёқлар ишлаб чиқаришда. Булар тўғрисида корхона раҳбари Содир Нодирхон қуйидагиларни сўзлаб берди.

Биз ушбу ишлаб чиқариш жараёнини бошлашдан олдин аввало ички бозорда бу маҳсулотларга бўлган талаб қай даражада эканлигини аниқлаб олдик. Чунки эркин бозор шароитида, бозорни ўрганмай туриб бирон бир ишни бошлаш яхши натижа бермаслиги мумкин. Шу сабаб ҳам ички бозорда маркетинг ишлари натижаси ўрганилиб, ҳақиқатдан республикамизда биз ишлаб чиқармоқчи бўлган елим ва бўёқларга талаб бор эканлиги аниқлангандан сўнг фаолиятимизни бошладик. Энг асосийси, маҳсулот тайёрлашда ишлатиладиган хом ашёни ўзимиздан оламиз. Бу эса ишлаб чиқаришнинг мунтазамлигини таъминлаш билан бирга унинг самардорлигини ҳам оширади. Шу билан бирга маҳсулот таннархи ҳам арзон-



«СМГ-Оникс» ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси 1999 йилдан бунга газ ҳисоблаш анжомларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Эътиборга лойиқ томони шундаки, мазкур қўшма корхонанинг ҳамма маҳсулотлари жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб беради.

СУРАТДА: янги анжом назоратини корхонанинг тажрибали ишчиси Ольга Степаненко амалга оширмакда. Сергей Любич олган сурат.

Биз тиккан сўзаналар

диган маҳсулотлар яратиш имконини яратди. Мен меҳнат қилаётган корхонада ҳам чеварларнинг иходиий фаолияти ошди. Айниқса, миллий қадриятларимиз, шаркна удулларимизни кенг тарғиб этувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бутун эътиборни қаратдик, маҳсулот турлари харидор буюртмасига қўша хилмалаштирдик. Чеварларимиз меҳнат эвазига тиккалатган сўзана, палак, чойшаб, гулкўрпа, зардовел ва бошқа буюмларда истиқлол надиҳадис, шарк аёлларнинг меҳру муҳаббат ўз аксини топди. Шунинг баробарида хорижий давлатлар, яъни Америка, Туркия, Германия ва бошқа мамлакатлардан тушаётган буюртма-

ларни ҳам баҳариб, ўзбекистонимизни жаҳонга кўз-кўз қилариз. Шундан бениҳоя мамнунмиз, 36 йиллик меҳнатларим «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланди. Мукофот менга уч наҳондан куч-ғайрат бағишлади. Шу боис ҳам Мустақиллигимизнинг қутлуг 10 йиллигини жамиятимиз қўшида «Сўзана» шўъба корхонасини ташкил этиб, янги маҳсулотлар тайёрлаш билан қутиб олдим. Моҳир попчиларимиз Маъсуда Исмоилова, Марҳамат Пулатова, Илмира Ризаева, Шоира Зокировалар тадбиркорлик билан иш юритиб ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда. Энг асосийси эса шўъба корхонамизда айна қўлларда чеварларимиз томонидан тайёрла-

Мамлакатимизда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кеча Оқсаройда АҚШ Қуролли қучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Франксни қабул қилди. Учрашуда халқаро террорчиликка қарши кураш масаласи, минтақадаги ҳарбий-сиёсий ҳолат, жумладан, Афғонистондаги вазият муҳофиза қилиниди. Томонлар Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорлиқни ривожлантириш масаласи юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимизда кейинги пайтларда қабул қилинган суд-ҳуқуқ соҳасига оид қонунларни амалда тадбиқ этиш ҳамда уларнинг ўқросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Украинанинг Тошкентдаги элчихонасида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Уни Украинанинг Ўзбекистондаги Факултети ва Мухтор элчиси А. Касьяненко бошқарди.

Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакат назорат органлари томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида ўтказилган текширувларни мувофиқлаштириш натижалари қўриб чиқилди.

Олий ҳўжалик судида келгуси йил учун буюртмалар портфелини шакллантириш жараёнида шартнома интизомига риоя этилишини қўлайтириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Гулистонда яна бир корхона — «Сарбонтекс» ўз фаолиятини бошлади. Саноатнинг янги соҳаси — табиий эҳтиёжларни учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган ушбу замонавий корхона Ўзбекистон ва Испания ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мамлакатимиз пойтахтида фаолият кўрсатаётган «Ма-шхура» фирмасининг Андижон филиалида таҳсил қўрган дастлабки 140 нафар ёшларга чеварлик, бичувчилик, модельерлик дипломлари топширилди.

Ўзбекистон — Япония марказида мамлакатимиз тадбиркорлари учун инсон ресурсларини ривожлантиришга мўлжалланган профессионал менежмент дастури бўйича бизнес курслари очилди.

Авал хабар қилингандек, Нукус шаҳрида Президент соврини учун ўзбек кураши бўйича 3-халқаро мусобақа низоҳасига етди. Мурасиш ўтган мусобақалар ғолибларни аниқлаб берди. Мутлак вази тоифасидаги (эркаклар) полвонлар ўртасида бош соврин юртдошимиз, номдор полвон Абдулла Тангриевга насиб этди. Аёллар ўртасида 48 килограмм вазнганча бўлган учрашув қатнашчилари орасида бразилиялик Андреа Родригас ғолиб деб топилди. 63 килограмм вазнлилар ўртасида бош совринга сурхондарёлик Ирина Сорокина эришди.

RUTA PRINT босмахонаси Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг ташаббуси билан Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишлаб 2002 йил календарь варағини чоп этди.

Жаҳонда

Кеча Москвада «Меъморилик-2001» халқаро архитектура фестивали очилди.

Бугун Россия - Франция экипажи халқаро фазовий станцияни тарк этди.

Кеча Оқ уй вакили АҚШ Президенти Ж. Буш ва Покистон Президенти П. Мушарраф ўртасида бўлиб ўтадиган учрашув мундтабини эълон қилди. Учрашув шу йилнинг 10 ноябрь куни Вашингтонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош ассамблеясининг йиғилиши пайтида бўлиб ўтди.

Бугун Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Сурияга келди. У Дамашқда мамлакат Президенти Башар Ал Асад билан музокаралар олиб боради.

Кеча Японияда расмий равишда мамлакатда ишсизлар сонини эълон қилинди. Ҳисобларга кўра бу рақам 3 миллион кишини ташкил этди.

Кеча Қирғизистонда инсонпарварлик ёрдами келди. Унинг бир қисми Афғонистонга жўнатилади, бир қисми эса Қирғизистон ичкаричилигида афгон қочқорларига мўлжалланган. Америка томонидан жўнатишган ушбу бегараз ёрдам 5 миллион долларга баҳолабди.

Кеча Нью-Йоркда БМТ Ҳавфсизлик кенгаши грузин-абхаз моҳаросини барқарорлаштириш масаласини муҳофиза қилди.

Би-би-си хабарларига қараганда, АҚШ ҳарбий-хаво қучларининг сўнгги қўнлардаги зарбалар нишонини халқаро террорчи Усама бин Ладиннинг ер остидаги истеҳкомларига қаратилган. Қуни кеча Пентагон расмийлари олиб боришган ушбу амалиётлар натижасида «Ал-Қоид» ташкилоти ва толибларнинг юқори марказидаги мулозимлари ҳалок бўлганлиги эҳтимоли борлигини маълум қилди. Ҳарбий амалиётлар эса давом этмоқда.

«Associated Press» ахборот агентлигининг тарқатган хабарига қараганда, кеча Пентагон расмийлари Афғонистон ҳудудида ўз пиеда қўшинлари учун ҳарбий база очиш борасида қатъий ҳулосага келган.

Террорчилик АҚШга қарши янги тажовуз уюштиришга тайёргарлик қўрмакда. Кеча АҚШ Бош прокурори ва адлия вазири Жон Эшкфорт ҳудуди шундай хабар билан барчани огоҳ этди.

Кремль мулозимлари яна бир бор Россиянинг Афғонистонда янги тузилажак ҳукумат аъзолари сафига толиблардан вакиллар киритилишига қатъий қарши эканлигини аён этди. Кеча мамлакат ташқи ишлар вазири Игорь Иванов Афғонистондаги хунрезликларнинг бош айбдори толиблар эканлигини таъкидлади.

АҚШда қуйидиги касаллигига чалинган яна биттага кўпайиб, 15 нафар кишига етди. Сўнгги бемор Гамилтон шаҳрида яшовчи 51 ёшли аёл бўлиб чиқди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ

Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш тўғрисида

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 12 ва 44-моддаларига мувофиқ шаҳар сайлов комиссияси қарор қилди:

Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловини ўтказувчи 6 та округ сайлов комиссиялари қуйидаги таркибда тузилсин:

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ БЎЙИЧА
15-ФЕРУЗА ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ
Комиссия раиси: Акбархўжаев Укун Мухтарович — «Меҳри-Даво» жамоа корхонаси раиси
Раис ўринбосари: Шаповалова Людмила Тимофеевна — 35-мактаб директори ўринбосари
Комиссия котиби: Якубова Салима Муталова — Машинасозлик республика касб-хўнар коллежи ўзбек тили ўқитувчиси ва услуббечиси
Комиссия аъзолари: Иргашев Абдулхаким Мамедович — 16-касб-хўнар мактаби маънавият ва маърифат бўйича директор ўринбосари
Иванова Светлана Сергеевна — Машинасозлик республика касб-хўнар коллежи кадрлар бўлими бошлиғи
Мухаммедов Ҳикмат — «Файзиобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси
Назарова Умида Васиковна — 137-болалар богчаси мудири
Султонов Саидазим Носирович — Акушерлик ва гинекология институти илмий ишлар бўйича директор ўринбосари
Эгманзарова Дилором Тухтаевна — 375-болалар богчаси мудири

СОБИР РАХИМОВ ТУМАНИ БЎЙИЧА
24-МИРЗО ҒОЛИБ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ
Комиссия раиси: Махмудова Дилбар Иноятна — Педиатрия илмий текшириш институти директори

РАИС ўринбосари: Арпиева Гулнора Сабирова — 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти шифохонаси қўшидаги тиббиёт билим юрти директори
Комиссия котиби: Маннонов Юсуп Отахонович — Тошкент маданият техникуми директори
Комиссия аъзолари: Мираимов Бахтиёр Дадашевич — туман молия бўлими мудири
Мирбобоев Диловар Агзамович — «Мирзо Ғолиб» маҳалла фуқаролар йиғини раиси
Эргашев Аткам — «Университет» маҳалла фуқаролар йиғини раиси
Шокиров Абдулгани — Тошкент Давлат техника университетини Талабалар шаҳарчаси дирекцияси директори
Умаров Гофуржон Аҳмадалиевич — 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректор
Худойбердиев Зайниддин Юсупович — Тошкент банк коллежи директори

ҲАМЗА ТУМАНИ БЎЙИЧА
34-ЛИСУНОВ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ
Комиссия раиси: Холмуродов Турғун — «Польдьёмник» ҳиссасдорлик жамияти касба уюшмаси раиси
Раис ўринбосари: Ризадиннов Тохир — «Агротайминот БС» Республика таъминот базасининг касба уюшмаси раиси
Комиссия котиби: Бурангулова Гулнора Пулатовна — Машинасозлик техникуми ўқитувчиси
Комиссия аъзолари: Одинов Генадий Федорович — «ТашОР» ҳиссасдорлик жамияти раисининг ўринбосари
Мелентьев Андрей Валентинович — «Агро-маш» акциядорлик жамияти бош махсус конструкторлик бюроси хавфсизлик бўйича муҳандиси
Ихсанова Гузэл Абдулбариевна — «2-тирбетон қурилмалари заводи» ҳиссасдорлик жамияти ишчиси
Пулатова Шоира Шомансуровна — 3-сонли оқшай шифохона бош шифокори
Ризаева Роза Умаровна — «Тошқишлоқмаш» акциядорлик жамияти медицина-санитария қисмининг хавфсизлик ва меҳнатни муҳофиза қилиш бўйича муҳандис

Муҳаммадиев Турсун Нишонбоевич — «Ўзэн-санлайх» жамоа корхонаси директори ўринбосари

36-ҚУРҒУЧИЛАР ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ
Комиссия раиси: Мамопанов Валерий Ананьевич — «Енгил металл қурилмалари заводи» жамоа корхонаси бош директори
Раис ўринбосари: Акбаров Азат Акбарович — Тошкент қурилиш касб-хўнар коллежи директори
Комиссия котиби: Ермакова Галина Васильевна — 2-уй-жой қурилиш комбинати кадрлар бўлими бошлиғи
Комиссия аъзолари: Ибрагимов Юсуп Каримович — 1-уй-жой қурилиш комбинати бошқаруви раиси ўринбосари
Абдукаримов Муслим Сарбобевич — 67-мактаб директори ўринбосари
Соколовский Николай Семёнович — Техник хизмат қўрсатиш жамоа корхонаси раиси ўринбосари
Шакирова Муҳаббат Раҳимбердиевна — «Маиший кимё» қўшма корхонаси кадрлар бўлими инспектори
Ермошина Лидия Степановна — «ТошПРО-КОП» қўшма корхонаси кадрлар бўлими бошлиғи
Зуфаров Мирзахусан Зуфарович — «Тошмар-Г» ҳиссасдорлик жамияти касба уюшмаси раиси

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ БЎЙИЧА
37-ОЛМАЗОР ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ
Комиссия раиси: Гиясов Нуридун Искандарович — туман Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш бўлими раҳбари
Раис ўринбосари: Султонов Муротхон — «1-Катта Чилонзор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси
Комиссия котиби: Кодирова Шайхзода — 162-мактаб ўқитувчиси

Комиссия аъзолари: Егоршин Юрий Григорьевич — «Гранит» ишлаб чиқариш корхонаси кадрлар бўлими бошлиғи
Нигматов Пулат Нигматович — Ўзбошархив бошлиғи
Пальтис Юлия Николаевна — «ОСУ-4» фирмасининг бош ҳисобчиси
Исхакова Мавлода Раҳмановна — 103-мактаб ўқитувчиси
Саматов Тулқун Азизович — Адлия вазирлиги Республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази бошлиғи ўринбосари
Шакароев Эдуард Григорьевич — Тошкент кислород корхонаси раҳбари

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ БЎЙИЧА
59-БЎРИЖАР САЙЛОВ ОКРУГ КОМИССИЯСИ
Комиссия раиси: Гулямов Саидхон Ганиевич — «Қизилқум-нодирметаллолит» концерни директори ўринбосари
Раис ўринбосари: Саидова Лутфия Ибрагимовна — 73-мактаб директори
Комиссия котиби: Толибжонова Мукамбар — 73-мактаб директори ўринбосари
Комиссия аъзолари: Толипова Зулхумор Норматовна — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги кадрлар бўлими бош мутахассиси
Аббаров Сидиғали Шукрулиевич — Ўрта Осиё илмий тадқиқот саноат технология институти директори ўринбосари
Тоиров Мирхамид Усмонович — «Тошбош-план» институти бўлим бошлиғи
Жуманиязов Маркс — қишлоқ ва сув ҳўжаллиги вазирининг маслаҳатчиси
Кодиров Воҳид — «Ўрикзор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси
Умарова Лилия Нильевна — «Гидролойд» ҳиссасдорлик жамияти кадрлар бўлими бошлиғи
Шаҳар сайлов комиссияси раиси Ф. МАЛИКОВ
Тошкент шаҳри, 2001 йил 26 октябрь

ОБУНА-2002 «Оқшом» — доимий ҳамроҳингиз, диалаш сўхбаташингиз

Чиндан ҳам шундай, кадрли «Оқшом» муштарийлари. Шу қўнларда ўзингиз севиб ўқийдиган «Тошкент оқшом» газетасига 2002 йил учун обуна давом этмоқда. Бинобарин, у сизга ҳар доим ҳам энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлиб келган. Бунини шу қўнларда таҳририятга йўллаётган дил сўзларингиздан ҳам билиш мумкин. Газетага бўлган меҳр-муҳаббатингиз, садоқатингиз учун сизларга савимий ташаккур билдирган ҳолда, шу қўнларда пойтахтимизнинг барча алоқа бўлимларида газетанига обуна расмийлаштирилганлигини яна бир бор эслатиб ўтамиз. «Тошкент оқшом» келгуси йилда ҳам мамлакатимизда, унинг пойтахтида, жаҳонда рўй бераётган энг сўнгги янгиликларни тезкор усулда ериштириб, ўзингиз севиб ўқийдиган ранг-баранг маълумотларга сизларга савимий ташаккур билдирган ҳолда, шу қўнларда пойтахтимизнинг барча алоқа бўлимларида газетанига обуна расмийлаштирилганлигини яна бир бор эслатиб ўтамиз. «Тошкент оқшом» келгуси йилда ҳам мамлакатимизда, унинг пойтахтида, жаҳонда рўй бераётган энг сўнгги янгиликларни тезкор усулда ериштириб, ўзингиз севиб ўқийдиган ранг-баранг маълумотларга сизларга савимий ташаккур билдирган ҳолда, шу қўнларда пойтахтимизнинг барча алоқа бўлимларида газетанига обуна расмийлаштирилганлигини яна бир бор эслатиб ўтамиз. «Тошкент оқшом» келгуси йилда ҳам мамлакатимизда, унинг пойтахтида, жаҳонда рўй бераётган энг сўнгги янгиликларни тезкор усулда ериштириб, ўзингиз севиб ўқийдиган ранг-баранг маълумотларга сизларга савимий ташаккур билдирган ҳолда, шу қўнларда пойтахтимизнинг барча алоқа бўлимларида газетанига обуна расмийлаштирилганлигини яна бир бор эслатиб ўтамиз.

Халқимизда «Ўз уйим — ўлан тўшагим» деган ажойиб бир нақл бор. Бунинг маъноси шунки, инсон яшар экан оилали бўлишни, болачақаси билан ўз хонадонидида бахтли ҳаёт кечиришни орзу қилади. Ана шу эзгу нияти амалга ошганда эса янги уй эгалари қалби бир олам гурур ва қувончга тўлади. Чиндан ҳам барча қўлайликларга эга бўлган шинам ва замонавий уйда яшаганга нима етсин. Пойтахтимизда беш йилдан буён «Ўзуйжойжамгармабанк»и буюртмаси асосида қуриладиган ана шундай кўркам турар-жой биноларида юзлаб бахтиёр хонадон соҳиблари — бахтиёр оилалар яшашмоқда. «Ўзуйжойжамгармабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Зафар ТўйЧИЕВ билан суҳбатимизда аҳолини ана шундай турар жой бинолари билан таъминлашда амалга ошириладиган ишлар ва келгуси мақсад ва вазифалар хусусида борди.

— Зафар Нодирович, «Ўзуйжойжамгармабанк» қандай мақсадларни қўлаб ташкил этилган эди? — Дунёда одамлар қувончига шерик бўлишдан, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш баробарида уларни уй-жой билан таъмин-

халарини ишлаб чиқадилар. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, миқозлар талаби инобатга олинган ҳолда уйларнинг лойиҳалари йил сайин тақомиллашиб бормоқда ва қўлланиладиган қурилиш материаллари сифатига муҳим эътибор берилмоқда. Ўтган давр мобайнида бўлишимиз томонидан умумий майдони 286014 квадрат метрни ташкил этган 116 та турар жой биноси фойдаланишга топширилди ва уларда 2569 та хонадон аъзолари яшашмоқда.

— Баъзида банк уйларининг сифатидан эътироз билдирилган ҳоллар учратаётганини қандай изоҳлайсиз!

— Аввало шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, уй-жой қурилиши ишларини амалга оширишда банк биринчи навбатда буюртмачи ва молиячи сифатида иштирок этади. Тўғри, ана шундай эътирозлар баъзида бўлиб туради. Шу боис ҳам ҳозирги кунда қурилиш соҳасида ислохотлар олиб борилмоқда. Бу борада ҳукуматимизнинг қатор қарорлари қабул қилинган. Бу ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири фойдаланишга топширилаётган объектларнинг сифатини оширишдир. Албатта, эътирозлар инобатга олиниб, амалий ишлар олиб борилмоқда, айнаи давларда қад ростлаётган уй-жойларимизнинг сифати аста-секин ортиб бормоқда.

Рақобатбардош ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг алоҳида ўрни бор. Бунинг асосий омили юртимизда хорижий сармоядорларга яратилаётган имкониятлардир. Ана шундай қўшма корхоналарда тайёрланаётган энг сифатли маҳсулотлар хориж бозоридида ҳам муносиб харидорига эга бўлаётганлиги нисбатда қувонарлидир.

Жорий йилнинг март ойида фаолият бошлаган «Фарм-глас» ўзбек-британ қўшма корхонаси қисқа даврда ўз маҳсулотлари билан ҳам мамлакатимизда, ҳам чет элда ўз харидорини топди. Йилга 50

Қадами кутлуғ

ҚЎШМА
КОРХОНАЛАР

миллион донга тиббиёт саноати учун ҳар хил турдаги шиша идишлар тайёрлаш қувватига эга бўлган ушбу корхонанинг муассислари Буюк Британиянинг «Акваел Лимитед» фирмаси ҳамда Ўзбекистоннинг «Фарманоат» давлат акционерлик концернидир. Корхона цехларига Россия ҳамда Германия давлатларидан келтирилган 3,5 миллион долларлик ускуналар ўрнатилган.

— Корхонанинг ишга туширилиши боис 350 нафар ишчи-хизматчи иш билан таъминланди, — дейди корхона директори Элдор Рустамов. — Биз ҳам мамлакатимиз тиббиёт саноатида зарур ва керакли бўлган, четдан валюта эвазига келтириладиган, ҳам экс-

портга мўлжалланган шиша идишлар ишлаб чиқара бошладик. Ўтган ойлار давомида 18 миллион донга идишларни харидорларга етказиб бердик. Булар 25, 30, 50, 100, 125, 350 миллиграммлик 11 хилдаги сариқ шиша идишлардир. Шуниси эътиборлики, фаолиятимизнинг иккинчи ойидан бошлаб Хамдўстлик мамлакатларига маҳсулот экспортини йўлга қўйганмиз. Бугунги кунга келиб буюртмаларимиз етарли.

Чиндан ҳам мамлакатимиз тиббиёт саноати учун керакли бўлган бундай шиша идишлар валюта эвазига четдан келтирилган, бунинг устига уни олиб келишда ҳам ўзига яраша муаммолар мав-

жуд эди. «Фарм-глас»нинг иш бошлаши натижасида эл-юрт саломатлиги йўлида ишлатиладиган дори хиллари бирмунча кўпайди, уларни қадоклаш имконияти кенгайди.

Яна шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бу идишларни ишлаб чиқаришда 80 фоиздан ортиқ маҳаллий хом ашёдан фойдаланилмоқда. Қунига замонавий линиялардан 150 минг донга тайёр маҳсулот чиқарилади. Албатта, иш жараёнида энг муҳим эътибор сифатга, давлат сертификат талабларига қаратилади. Бу борада доимо изланувчан ва ташаббускор ташкилотчилар — директор ўринбосари Хусан Асқаров, бош

муҳандис Леонид Калерларнинг хизматлари катта бўлмоқда. Улар буюртмачилар талабини қондиришга, бозорни ўрганишга муҳим эътибор қаратишмоқда. Кенжа қўшма корхоналардан бўлган жамоанинг ўз олдига қўйган мақсад ва режаларни анчагина. Улар маҳсулотнинг янги-янги турларини яратиш, уни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва энг муҳими экспорт ҳажмини ошириб, иктисодиётимиз равишига муносиб улуш қўшишга ҳаракат қилишяпти. Албатта, излаган имкон топади. Изланиб имкон топаётганларга эса муваффақиятлар ҳамиша ёр бўлади. Ишонимизки, эртани кўзлаб, эл-юрт саломатлигини ўйлаб биринчи қадамни босган қўшма корхона меҳнат аҳлининг кейинги қадамлари шахдам бўлиши шубҳасиз.

Шарофат БАХРОМОВА



Мустақиллик йилларида Сергели туманида қўлаб турар жой ва маданий-маиший бинолар қад кўтарди. Уларни бунёд этишда шаҳримиздаги жуда кўп қурилиш ташкилотлари бунёдкорларининг ҳиссалари бор.

СУРАТЛАРДА: Сергели-6 худудида қад кўтарган янги бино ва қурувчи Ҳасан Йўлдошевни қўриб турибсиз.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Иزلаниш самараси

Шаҳримизнинг Ҳамза туманида фаолият юритаётган «Присижан» хусусий корхонасининг иш бошлаши билан 50 нафар йигит-қиз иш билан таъминланган эди.

Ўтган икки йил мобайнида уларнинг малакалари ортиб, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари тури 20 хилдан ортиб кетди. Шуниси қувонарлики корхонада мавжуд 2 та цехда Голландия, Германия ҳамда Швеция технологияси асосида тайёрланаётган печенье, кекс, пирожний ҳамда тортлар таъми, сифати ва турли-туманлиги билан ажралиб туради.

— Мавжуд цехларимиз Германиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланганиги харидорлар дидига, талабига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришимизда қўл келмоқда, — дейди хусусий корхона раҳбари Нисор Мир Ҳафизулло. — Асосий мақсадимиз маҳаллий хом ашё асосида бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш ва уни харидорга етказиб беришдир. Ҳозирда ойига 15 тонна маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўламиз. Пойтахтимиз ва вилоятлардаги савдо шохобчалари билан шартномалар асосида иш юритаёғимиз. Ишчи-ҳодимларимизнинг асосий қисмини қандолатчилик соҳаси бўйича билим юрти ва ўқув курсларини битирган кадрлар ташкил этади.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, бу ерда тайёрланаётган ҳар бир маҳсулот гигиеник сертификатга эга. Айнақса, буюртма асосида тайёрланадиган тўй тортлари

харидорларни мамнун этмоқда.

Ишчиларга яратилган шарт-шароитлар кўнгилдагидек бўлгани учун ҳам муваффақиятлар шунга яраша бўлмоқда. Ишчи ҳодимлар маҳсул иш қийимлари билан таъминланиб, ҳар бири улар учун алоҳида ечиниш-кийиниш хоналари бор. Улар бепул овқат билан таъминланадилар. Буларнинг барчаси, албатта уларни янада самаралироқ ишлашга ундамоқда. Шу боис бўлса керак туман тадбиркорлари ўртасида ўтказилган «Ташаббус» қўриқ-танловига ўз маҳсулотларини намойиш этган корхона ахли фахрли 2-ўрин соҳиби бўлишди.

Корхонада бозорни ўрганиб, шу асосда изланиб ишлаётган тадбиркор ишчилар кўпчиликини ташкил этади. Ана шулар қаторида сидқиқдиган меҳнат қилаётган Абдумажид Холмуҳамедов, Сайёра Аҳмедова, Шахноза Раҳмонова, Дилором Акбароваларнинг номларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Албатта, тадбиркор борки янгиллик излайди, ҳар доим ўз ишлари ривожини йўлида изланади. «Присижан» тадбиркорларининг ҳам ўз олдига қўйган режалари талайгина. Улар қўшимча ишчи ўринлари яратишни, ишлаб чиқариш ҳажмини ортириш, маҳсулотнинг турларига эътибор қаратишни, вилоятларда ўз филиалларини ташкил этишни, энг муҳими эса маҳсулот экспортини йўлга қўйишни режалаб туришмиди.

Дилноза ГИЁСОВА

Коммунал соҳасида ислохотлар илчил ва сезиларли даражада амалга оширилаётгани ва ўз ижобий натижаларини бераётганини инкор қилиб бўлмайди. Бирок кунин кеча об-ҳаво тўсатдан кескин ўзгариб, ҳароратнинг пасайиб кетиши бу борада қилинажак ишлар ҳали талай эканини, шу билан бирга муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмаслигини эслатиб қўйди десак, муболаға бўлмайди.

Маълумки, ҳукумат томонидан кейинги йилларда коммунал соҳасида ислохотларни чи ўринбосари Абдуқоҳҳор Тўхтаевнинг кун тартибидagi масалалар юзасидан ҳисоботи тингланган.

Комиссия йиғилишида сўзга чиққан депутат Игорь Зурин берган ахборотга асосан шаҳар коммунал тизимида қад ташкил қилинган таъмир-қурилиш маҳсулотлари билан таъминлаш бўлимида қурилиш ширкатларига қўйилган талабларни қўйиб, уларга уй-жойларни таъмирлаш ишлари давом этиб, натижада туман коммунал-фойдаланиш бошқармалари хизмат кўрсатаётган уй-жой фонди қўсқариб бормоқда. 2001 йил 9 ой якунилари бўйича пойтахтда 391 ширкатлар ва 7 масъулияти чекланган жамиятлар ташкил қилинган ва улар томонидан 8996 та уй-жойга хизмат кўрсатилишда 99,3 фоизини ташкил қилади. Фақатгина Чилонзор туманида 50 та ва Ҳамза туманида 9 та уй ширкатларга ўтказилмаган.

Ташкил бўлган ширкатларга қўлайлиқлар яратиш мақсадида хона, омборхона, асбоб-ускуналар, ёр майдонлари ва имтиёзли кредитлар ажратиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ҳозиргача 15 та уй-жой мулкдорлари ширкатларига, жумладан Акмал Икромов, Сергели ва Юнусов туманларидаги ширкатларга 56 миллион сўм кредит ажратилган.

Шунингдек, Кадастр бошқармаси Архитектура ва шаҳарсозлик бошқармаси билан биргаликда уй-жой ёр участкаларини ширкатларга фойдаланиш учун бериш борасидаги ташкилий ишлар тугатилиб, 213 та давлат далолатномаси ширкатларга берилди, яна 76 та ҳужжат тайёрланиш арафасида. Лекин асосий қўрсаткич-

Коммунал хизмат тўловлари ҳақида

чуқурлаштириш борасида бир неча ҳужжатлар қабул қилинган. Шу жумладан Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 ноябрдаги «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш концепциясини амалга ошириш тўғрисида»ги ва шу билан боғлиқ қатор қарорлар ҳам. Шу кунга қадар ушбу ҳужжатлар ҳаётда ўз ифодасини топиши қандай кечилмоқда? Нима ишлар бажарилиб, қандай муаммо ёки тўсиқлар мавжуд? Мутасадди ва мутахассисларга маълум бу саволлар Тошкент шаҳар Кенгаши коммунал хўжовга қилиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг кун тартибига киритилиб, депутатлар томонидан чуқур ўрганиб чиқилди ва натижалар комиссиянинг ўтказилган навбатдаги йиғилишига тавсия этилди.

Тошкент шаҳар кенгаши комиссияси йиғилишида Тошкент шаҳар ҳокимининг бирин-

ла тартибидagi масалалар юзасидан ҳисоботи тингланган.

Ҳозиргача 15 та уй-жой мулкдорлари ширкатларига, жумладан Акмал Икромов, Сергели ва Юнусов туманларидаги ширкатларга 56 миллион сўм кредит ажратилган.

Шунингдек, Кадастр бошқармаси Архитектура ва шаҳарсозлик бошқармаси билан биргаликда уй-жой ёр участкаларини ширкатларга фойдаланиш учун бериш борасидаги ташкилий ишлар тугатилиб, 213 та давлат далолатномаси ширкатларга берилди, яна 76 та ҳужжат тайёрланиш арафасида. Лекин асосий қўрсаткич-

тирилган бўлса, унинг бажарилиши эса 41,1 фоизни ҳисол қилди, улар мисолида олдидан бўлмас 400 йилдан 301 таси тўла таъмирланди. Шу жумладан, уй-жой корхоналарининг ҳисобига 173 уйдан 151 тасида ишлар бажарилди.

Шу йилнинг 9 ойлик маълумотларига кўра Қўшма ва уй-жой ширкатлари томонидан 10203,7 миллион сўмлик коммунал хизматлар кўрсатилиб, шундан 93 фоизни йиғиб олинган.

2001 йил 1 октябрда қадар аҳолининг дебиторлик қарзи 2770,6 миллион сўмини ташкил қилади, бу эса шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 707,5 миллион сўмга ошган (?). Аҳолидан дебиторлик қарзларини ундириш мақсадида суд органларига 39251 та даъво ариза тақдим этилиб, улардан 21274 таси қондирилди ва корхоналар ҳисоб рақамига 472,5 миллион сўм туширилди.

Бирок, комиссия йиғилишида ўйлангандан рақамлар ҳам келтирилди. 9 ой бўйича фақат фойдаланиш хизматлари учун тўловлар йиғими 4 миллиард сўмдан зиёд бўлган бўлса, тўла таъмирлаш ишларига 30 фоизни, яъни 1 миллиарддан ортиғи ишлатилиши ўрнига, аслида 796 миллион сўм харажат қилинган...

Депутатлар ва мутасадди раҳбарлар томонидан айрим маҳалла ва ширкатларда кам таъминланган, кўп болали оилалар қарзларини қоплаш

ишлари яхши йўлга қўйилганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Масалан, Акмал Икромов туманидаги «Ўрикзор» маҳалласида (маҳалла раиси Раҳим Нодиров) 2000 йил бўйича тўловлар 100 фоиз бажарилиб, улардан 1,5 миллион сўм маҳалла ҳисобига ўтказилган. Ўз навбатида маҳалла фаоллари бу маблағнинг 60 фоизини кам таъминланган оилалар қарзларини қоплашга йўналтирган.

«Тошсикликувват» ИЧБ-си маълумотига кўра, аҳолининг фақат иқтисодий учун қарзи 2 миллиард сўмга яқин. Бу дебиторлик қарзларини сезиларли даражада қоплаш мақсадида «Тошсикликувват» бирлашмаси 10 минг хонадон билан шартнома тузиб, тўловлар йиғимини ҳам ўзи уюштирган. Мазкур хонадон эгалари эса бугунги кунда 100 фоиз иссиқлик билан таъминланганини бирлашма раҳбари Леонид Костин эътироф этиб, қолган хонадонлар билан ҳам шундай асосда шартнома тузишга тайёрлиги, қоплаверса, харажатлар икки баробар иктисод қилиниши, шунинг учун ҳам бошқа корхоналарга ҳам шундай имконият яратилса, мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлаб ўтди.

Йиғилишда шунингдек, уй-жойларни тўла таъмирлаш ҳисобига 100 фоиз ўлмас асбобларини ўрнатиш, ашаддий қарздорларни коммунал хизматларидан фойдаланишини чеклаб қўйиш чораларини қўйиб, ширкатлари маъсулиятини ошириш, улар фаолиятини тақомиллаштириш ва мувофиқлаштириш органини тузиш ҳақида билдирилган фикр ва тақлифлар бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Ўзбекистон Сўғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбек-Британия-Россиянинг «Медиз» қўшма корхоналари ҳамкорлигида Тошкент вилоятининг Қўрай тумани «Геофизика» даҳасида 1991 йили халқимизнинг бир марта ишлатиладиган доринида бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида («Медтехника») «Тибмаҳсулот» корхонаси қурилиб иш бошлади.

Испаниянинг «Фабержаситас» фирмаси билан ҳамкорликда қурилган корхонага замонавий хорижий асбоб-ускуналар ўрнатилиб, унда бир марта ишлатиладиган дорининалар ишлаб чиқариладиган бўлди.

250 га яқин ёшлар, асосан, қизлар Германия ва Испанияда ўз малакаларини ошириб келиб ушбу корхонада иш бошладилар. Бу янги корхона Марказий Осиёда бир марта ишлатиладиган дорининалар ишлаб чиқариладиган ягона корхона ҳисобланади. Биз корхона бош директори вази-фасини бажарувчи Абдуғафур Юсупов билан корхона ва унинг келажақ режалари ҳусусида суҳбатлашдик.

— Абдуғафур Шукровиш, корхона иш бошлаган кезда қанча дорининалар ишлаб чиқарила бошланди?

— Ушунда бир йилда 10 миллион дорининалар ишлаб чиқарилиди. Ҳозир унинг миқдори 100 миллиондан ортиқроққа етди.

— Маҳсулотлар сифатлигининг бош сабаби нимада дейсиз?

— Биласизми, корхонамиз Германия, Швейцария, Испания, АҚШ мамлакатларининг энг замонавий асбоб-ускуналари билан жиҳозлангани ҳам сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётгани учун МДХ мамлакатларининг маҳсулотларимизга бўлган талаби тобора ўсиб бормоқда. Корхонамизда олий тоифали 5 та тиббиёт фанлари номзоди, доцентлар ва бошқа мутахассислар ишлатишмоқда.

— Корхонада яхши меҳнат қилаётган ишчилар рагбатлантирилса керак?

— Албатта, Мустақиллик, Наврўз, Конституция байрамларида пул мукофотлари, фахрий ёрликлар билан мукофотланадилар. Булар ҳам сифат ва ютуқлар омиллидир.

— Келусида бир марта қўлланиладиган дорининаларнинг қуввати миқдори қанчага етади?

— Бир марта ишлатиладиган дорининалар тизими тахминан 2002 йилда 20 миллионни ташкил этади.

— Жиҳозлаш лойиҳа қуввати комплекти бир йилда қанча?

— Жиҳозлаш, лойиҳа қуввати бир йилда 10 миллион комплект, шу жумладан, 8 миллион комплект инфузион системалари, 2 миллион комплект трансфузион системаларини ташкил этади.

— «Медиз»нинг истиқбол қандай?

— Биласизми, келажақда «Медиз» янада энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, йилга 250 миллиондан ортиб бир марта ишлатиладиган дорининалар ишлаб чиқарилади. Шунинг назарда тутиб, корхонани янада кенгайтирмоқчимиз. 2002 йили баҳорда янги бино қурила бошла-нади.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб
домо бўлар...

● Илм-хунарни азиз тутиш, қадрлаш, ёмонликни яхшилик билан четлаштириш, қаҳр-ғазабни ютиш, берилган саволга мулойимлик, ширинлик билан жавоб бериш улугликдан далолат беради.

● Хар ким очик юз, ширин сўз ва мулойимликка одат қилса улугликка етишади, тўғрилики пеша қилса, мартабаси баланд бўлади, тилини ёлгон сўзлашдан тийса ҳамманинг ишончини қозонади, ёмонлардан йироқ бўлса, яхшилар сўхбатига йўл топади.

● Хар ким ўз ҳолатидан зиёдан қилса, қадами-ни инсоф доирасидан ташқари қўйса, тезда қилми-шининг ёмон натижасини кўради.

Байт:

**Бўлма берпарво ишингда, эй ўғил, оқил эсанг,
Токи душман топмағай ҳаргиз
шикастинга мажол!**

● Арасту ҳаким айтади:

— Тўғри сўзлаб, тўғри ишлаб вафот этиш, ёлгончи бўлиб узоқ яшашдан кўра хайрлидир.

● Бир донишманд айтади:

— Бошқаларнинг авлодига, қариндош-уруғларига эҳсон қилинг, ёрдам беринг. Улар ҳам авлод ва қариндош-уруғларингизга сиз қилган яхшилигингизни қай-тарадилар, агар қилган яхшилигингиз ўзингизга қай-тмаса, болаларингизга ва қариндош-уруғларингизга қайтади.

ХИКОЯТ. Қадим замонда Ҳалаб шаҳрида Умар номи-ли саховатли, олижаноб бир одам яшарди. Бир кун йўлда кетаётган эди, бир ҳовли эшиги ёнида икки-та гўдак боласини бағрига босиб йиллаб ўтирган хо-тинни кўриб қолди. Умар хотиннинг паришон ҳолига раҳм қилиб, дарҳол унинг ёнига борди.

— Синглим, нега йиллаб ўтирибсан, сенга нима бўлди, ким сенга озор бериб, қилингни вайрон қил-ди? — деб сўради.

Хотин аччиқ-аччиқ кўз ёшларини тўкиб, қизгончи-ли ҳолини баён қилишга киришди:

— Менга ҳеч ким озор бергани йўқ, фақат толеъ-сизлигимдан нолыйман, бахтсизлигимдан кўз ёшла-римни тўкиб фиғон этаман. Илгари турмушимиз ях-шигина ўтиб турган эди. Бундан бир йил аввал эрим оғир касалликка йўлиқиб вафот топди. Мен шу икки гўдак болам билан дод-фарёд қилиб қолавердим. Мен ўзим касалманд, нимжон хотин бўлганим учун бирор ишга киришиб маишатимизни таъмин этиш-га мадорим йўқ эди. Бир йилгача уйдаги бор нарсаларимни сотиб болаларим билан бирга умр кечир-дим. Энди ҳеч нарсамиз қолмади. Оқлик, яланғоч-лик хавфи остида қолдик. Бундан кейин аҳволимиз қандай кечилиши билан олмай бахтсизлигимдан нола қилиб йиллаб ўтирибман.

Умар бечора хотиннинг ноласига чидолмай кўзига ёш олди, болаларни қўлига олиб кўчқолаб, юз-кўзла-ридан ўпиб эркалади, хотинга тасалли бериб:

— Синглим, йилгама, ўрингдан тур, сизларни уйимга олиб кетаман, менинг меҳмоним бўласиз, мен сизларни шундай аҳволда қолдирмайман, ёрдам бер-саман, бу митти, гўзал болаларингиз менга ҳар нарсадан ҳам қиммат туради, — деди ва болаларни яна эркалаб юз-кўзларидан ўпди. Хотин бечора шодла-ниб ўрнидан турди, йиллаб Умарга миннатдорчилик билдирди. Умар икки гўдакни кўтариб олди. Хотин ҳовли эшигини қулфлаб Умар билан бирга йўлга тушди.

Умарнинг оиласи бу бахтсиз меҳмонларни шод-лик билан қарши олдилар. Уларни яхшилаб зиёфат этдилар, хотин ва икки етим гўдакка янги либослар кийдирдилар. Умарнинг хотини ва қизлари гўдак-ларни эркалаб, қўлларидан тушимас эдилар. Хо-тин бир неча кун меҳмон бўлиб тургандан кейин ўз уйига қайтиш учун рухсат сўради.

Умар дарҳол ёғ, гўшт, гурч ва бир қоп ун тайёр-лаб аравага ортди. Бахтсиз меҳмонларни ҳам ара-вага ўтқизиб уйларига олиб келиб қўйди. Кейин хо-тиннинг қўлига кўпгина пул бериб:

— Синглим, мана бу пулни харажат этиб уй ас-бобларингни тузатиб ол. Пул ва келтирилган озиқ-овқатлар тамом бўлса, яна менинг уйимга кел, яна ёрдам бераман. Асло ҳаффа бўлма, болаларингни яхши тарбия қил, сен менинг қиёматли синглим-сан, — деди.

Бечора хотин кўзларидан шодлик ёшларини тўкиб, Умарга миннатдорчилик билдирди. Мана шундай ҳар-рли ишларни мурувватли, олижаноб одамларгина қиладилар.

Китъа:

**Мурувватли бўлиб, дармондаларнинг
кўнглини шод эт,
Тафаккур айлагил, дардмандликнинг
куйини ёд эт.
Тиларсан кўрмагайсан дардмандлик
захматин ҳаргиз,
Шикаста нотавабларнинг бузуқ кўнглини
обод эт!**

● Тўғрилиқ — ваъдага вафо, сўзда туришликни лозим топади. Берган ваъдасида, сўзидан турган одам бугун берган ваъдасини эртасига бўзмайди, ваъда-сида қаттиқ туради. Ваъдаларнинг офати — кечик-тиришдир. Ваъданинг вақти ўтиб, ваъда қилувчи ўз айбиغا мақбул бир узор кўрсатмаса, хар ким уни ваъ-дага вафодор одам деб билимайди.

Агар сиз бир неча марта ваъдангизни бузсангиз, халқнинг сизга бўлган ишончини йўқотасиз. Шун-дай экан, ваъда қилган нарсангизни вақтида бажар-ишга кўзингиз етмаса, асло ваъда берманг. Агар бир кишига ваъда берсангиз, бирор нарса монъе бўлиб бажара олмасангиз, у кишига берган ваъдан-гизни нима учун бажара олмаганингизнинг сабаб-ларини айтиб узор сўранг, авф қилишини ўтининг.

Байт:

**Бировга ваъда бергил уддасидан
гар чикар бўлсанг,
Вале қилмай вафо аҳдинга бўлма юз
қаролардан.**



ТАНЛОВЛАР

**Куни кеча мухташам
Миллий академик драма
театрида Оналар ва бола-
лар йилига бағишлаб ўтқа-
зилаётган «Ёш оналар»
экологик кўрик-танлови-
нинг якуний шаҳар боски-
чи бўлиб ўтди.**

Танловда шахримизнинг 11 та туманида ғолиб деб то-пилган, ўз билими, ҳозиржа-воблиги, ўқиш ва ишдаги, оиладаги, фарзанд тарбияси-даги тугган ўрни билан на-муна бўла олган ёш оналар ўзаро беллашдилар.

Халқро «Экосан» жамгар-

Ғолиблар аниқланди

маси ва Республика хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорли-гида ўтказилаётган ушбу кўрик-танловдан кўзда тутил-ган асосий мақсад оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соф наслини сақлаш, жисмо-нан бақувват, ақлан мукам-мал фарзандни камол топи-риш, атроф-муҳитни озода сақлаш, табиатни асраб-авайлаш ва шу соҳадаги энг мукаммал анъаналаримиз ва урф-одатларимизни болалар онига сингдириш, шунинг-дек келажақ авлодга соғлом

экологик муҳитни мерос қолдириш каби қатор ибрат-ли ишларни ўз ичига олган. Танлов қатнашчилари «Ташриф», «Савол-жавоб», «Уй вазифаси» каби қатор шартлар бўйича беллашиб, оилада яхши уй бекаси, фар-зандларга меҳрибон она, ишда, ўқишда, жамиятда би-лимли, фаол, жонқуяр аёл эканликларини намойиш эт-дилар.

Энг ҳаяжонли дақиқалар яқинлашди. Нуфузли ҳакам-лар ҳайъати аъзолари бир овоздан Мирзо Улуғбек тумани қатнашчиси Шохинахон Иброҳимовани 1-ўрин, Со-бир Раҳимов тумани қатнаш-чиси Гузальон Шукруллаева-ни 2-ўрин, Сергели тумани қатнашчиси Маҳфуза Одило-вани 3-ўрин соҳибалари деб эълон қилдилар.

Танлов ғолиблари ва қат-нашчиларга Тошкент шаҳар ҳокимлиги, халқро «Экосан» жамгармаси Тошкент шаҳар бўлими, «Меҳр-шафқат», «Аёл ва саломатлик», Қизил

Ярим Ой жамияти ва қатор ташкилотларнинг қиммат-баҳо эсдалик совғалари топ-ширилди. Танлов давомида янграган дилрабо куй ва қўшиқлар дилларга ўзгача завқ ва шавқ бағишлади.

Танловда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, ша-ҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимо-ва қатнашди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: кўрик-танлов ғолиблари ва мусо-бақа қатнашчилари.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

АНЖУМАН

Ишчанлик вазиятида ўтди

Давр ҳамжиҳатлик билан ҳамкорликда иш юритишни талаб этади. Маълумки, шаҳар ҳокимлиги ва пойтахт касаба уюшмалари Кенгаши билан меҳнат ахлининг манфаатлари-ни ҳимоялаш ишларини ўза-ро ҳамкорликда амалга оши-риш, бу борада янги самара-ли йўналишлардан фойдала-нишни кенг йўлга қўйиш мақ-садида бошланғич касаба уюшма кўмиталари раислари туман мувофиқлаштирувчи Кенгашлари тузилган. Хар ойда туман мувофиқлаштиру-чи кенгашларининг семинар-кенгашларини ўтказиш режа-лаштирилган.

Яқинда Юнусобод тумани ҳокимлигининг маънавият ва маърифат хонасида туманлар мувофиқлаштирувчи Кенгаш-

лари раислари, Юнусобод ту-мани ҳокимлигига тегишли бошқармаларнинг масъул хо-димлари иштирокида семи-нар-кенгаш ўтказилди.

«Юнусободсавдо» корхона-си касаба уюшма кўмитаси раиси, Юнусобод тумани му-вофиқлаштирувчи Кенгаши раиси Д. Зайнутдинова туман-да ҳодимларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оши-рилаётган ишлар, ечилиши лозим бўлган масалалар ҳақида тўхталиб, фикр-мулоҳа-заларини баён этди.

Эркин фикр алмашиш ру-ҳида, ишчанлик вазиятида, савол-жавобларга бой тарз-да ўтган анжуман иштирокчи-ларда яхши таассурот қол-дирди.

Улуғбек ПЎЛАТОВ

Бухажиб
дунё

Болалар учун

Америка дўконларида боғча ёшидаги болаларга мўлжалланган «Литл опе-рейтор» телефонлари со-тувга чиқарилди. «Плескул электроникс» фирмаси чи-қарган бу телефонларга рақамли диск ўрнига тур-ли рангдаги расмлар — по-лициячининг олов, тез ёр-дам машинаси ва бошқа суратлар чизилган йирик тугмалар ўрнатилган. Бола керакли расмни тугмачани босса, ўша заҳоти алоқа боғланади.

Бу телефонлар фавку-лодда ҳолларда болаларга асқотлади.

«Куйловчи»
кружжалар

Кейинги пайтларда Мюнхендаги пивхоналар-нинг биридан одамлар аримай қолди. Бунга сабаб ушбу пивхонадаги антика кружжалардир. Кружкани кўтариб, озгингизга яқин-лаштиришингиз билан ун-дан халқ қуйи эшитасиз, столга қуйишингиз билан эса куй тўхтади.

Отда —
баскетбол

Францияда янги ўйин ихтиро қилиниб, унинг номи хорсбол ёки отда баскетбол ўйинидир. Бўйи 60, эни эса 25 метр бўлган майдонда тўрт нафардан чавандоз бўлган икки ко-манда беллашди. Учрашув икки бўлимда 10 дақиқадан ўтказилиб, кенглиги 1 метр бўлган тўрни кўп нишонага олган команда ғолиб ҳисоб-ланади. Тўп учун курашда чавандоз ва отларнинг тўқнашиб кетиб, ҳароҳат олиши мумкин бўлишига қарамай, хорсбол ўйини то-бора оммавийлашиб бор-моқда. Франциядан ташқа-ри Бельгияда ҳам отда бас-кетбол ўйнаш бўйича мам-лакат биринчилиги ўтказил-моқда.

Автомат-сотувчи

Япониядаги кўчаларда янги «сотувчилар» пайдо бўлиб қолди. Улардан нарсас сотиб олиш учун майда тангани сотувчи кўксидagi тешикка таш-ланса бас...

Гап шундаки булар тур-ли ширинликлар билан савдо қилувчи автоматлар-дир. Улар худди одамга ўхшатиб ишлаган бўлиб, ўрта асрлардаги япониялик баққоллар кийган кийимга ўхшатиб кийинтириб қўйилган. Тангани ташла-шингиз билан унинг «кўзла-ри» ёнади ва «огзи» очи-либ, «Саломатлик учун евнеринг (олинган нарсас ейилладиган бўлса) ёки «Чайнасангиз тилларинг-изга фойда» (сақич бўлса) дейди.

Кўркув ҳам юз
ўтрган

Янги зelandиялик Алан Хакетт жасоратли трюкни амалга оширди: у эгнига фрак кийиб олиб, Париж-даги Эйфель минораси ус-тига чиққан ва 115 метр баландликдан пастга кал-ла ташлаган. У эгани бир учи минора тўсинага боғ-лаган резина лента билан боғлаб олганди.

Довжорак таваккалчи ерга етишига атиги 2,5 метр қолганда резина лен-та уни тўхтатиб қолган. Ха-кеттнинг бу пайтда ерга тушиш максимал тезлиги саотига 160 километрга ет-ган. Сўнгра у мятникка ўхшаб ликиллаб турган ва ерга оҳиста «кўнган». Ерда эса уни полиция жарима солиш учун кутиб туради.

**Мухаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА**
тайёрлади.

Тошкент шаҳар Нуроний
жамгармаси меҳнат фаж-рийси

**Шукурхон
ЮСУПОВАННИНГ**
вафот этганини муносаба-ти билан марҳумининг оила аъзолари ва яқинларига чу-қур таъзия изҳор қилади.

САХОВАТ

Маълумки, мухтожларга ёрдам кўрсатиш, кексалар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш энг савоб юмшлар қаторига кириб, умуминсоний қадриятларнинг негизини ташкил этади. Ўзтиборга лойик томони шундаки, азал-азалдан мухтожларга мурувват қўлини чўзиш, саховатпешалик ва тантилик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ажойиб одатларимиз қаторига кирди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин бун-дай савоб ишларга янада катта эътибор қарати-ла бошладик, аҳолининг ижтимоий ҳимояси қў-чайтирилди. Зеро, истиқлолдан сўнг ҳаёт юзи-ни кўрган янги қонунлардан бири, 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ногиронларни ижти-моий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни бўлиб, бу мамлака-тимизда ногиронларнинг муҳофазасига муҳим эътибор қаратилаётгани, ушбу масаланинг дав-лат сиёсати даражасига кўтарилганининг яққол

ларига муҳим эътибор қаратаётган ва бу борада Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан жипс ҳамкорликда ишлаб кел-аётган корхоналар қаторига кирди. Шунга ай-тиш кераки, вазирлик ҳамда компания вако-латхонаси ўртасида икки йилдан буён ҳамкор-лик ришталари ўрнатилган ва у тобора мус-тахкамланиб бормоқда. Компания учун ижти-моий дастурлардан қатнашиш, хайрия тadbир-ларида иштирок этиш муҳим йўналиш ҳисоб-ланади.

Чунонки, 2000 йили вазирлик тизимидаги республика хуна-р-техника билим юртида таъ-лим олаётган ногирон болалар учун махсус компьютер синфи ташкил этилди, «Филип Мор-рис Менежмент Сервисес Б.В.» компанияси-нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томони-дан уни жиҳозлаш учун ўн та замонавий ком-пьютерлар тақдим қилинди. Натижада имко-ниятлари чегараланган ногирон болаларнинг компьютер техникасини эгаллашлари учун шарт-шароитлар яратилди.

Бу ваколатхонанинг ягона беғараз тadbiri эмас, албатта. Чилонзор туманидаги 7-турғуқ жамғиаси учун компания ваколатхонаси замонавий ташкил анжумани топишди.

Куни кеча мана шундай хайрли ишларнинг давоми сифатида ваколатхона томонидан вазир-ликка беғараз ёрдам сифатида 25 дона ногиро-нлар арачаси топширилди.

— Ушбу беғараз совға асосан Тошкент ша-ҳри ва пойтахт вилоятида истиқомат қилувчи ногиронларга манзилли равишда етказилди, — дейди биз билан сўхбатда Республика Меҳ-нат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувва-тлашни ташкиллаштириш бошқармасининг бошлиғи Алишер Иноков. — Шу каби саховат-ли корхона ва ташкилотлар бор экан ногиро-нлар, ёрдамга мухтож кишиларнинг кўнгилла-ри ҳеч қачон ўксимаيد.

Дарҳақиқат, ҳазрат инсон Аллоҳ Таоло то-монидан яратилган улғур бир неъматдир. Бино-барин, у соғ ёки ногиронлигидан қатъи назар хар бир инсон бахтли яшашга интилади. Киши-ларнинг ўзсиз кўнгилларига малҳам бўлиб, уларга бахולי қудрат қўмак бераётганлар эса ҳеч қачон кам бўлмайди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТошТТС» ОАЖ Тошкент шаҳри абонентларига халқро ва шаҳарларро теле-фон сўзлашувларининг тезкор хизмат кўрсатиш усулини тақлиф этади. Тез-кор хизмат кўрсатиш операторига улашиш учун:

— 8-191 — шаҳарларро ва халқро (МДХ давлатларига) телефон сўзлашувга бу-юртма бериш учун терилди.

— 8-194 — халқро (узоқ хорик давлатларига) телефон сўзлашувга буюртма бериш учун терилди.

«8» рақамини териб ва узулқсиз товуш сигналини эшитиб, сўзлашувга буюртма бериш учун керак бўлган рақамни берасиз. Операторнинг жавобини эшитгач, теле-фон сўзлашувга буюртма бериш учун керак бўлган маълумотларни айтасиз:

Мамлакатнинг номи (коди), шаҳар қақирлаётган абонентнинг телефон рақами, ўзин-гизнинг телефон рақамингиз, фамилиянгиз ва улашини қутасиз.

Авто жавоб қайтарувчи уланганидан сўнг операторнинг жавоб қайтаршига кетган вақт ва улашини қутушга кетган вақт учун ҳақ олинмайди.

1 ноябрь 2001 йилдан бошлаб «07», «007», «061» буюртма олиш хизматлари ўз фалойитини тўхтатади.

Эслатиб ўтамиз, Халқро ва шаҳарларро телефон сўзлашувлари учун моддий жа-вобарлиқни, сўзлашувни ким олиб борганидан қатъи назар, телефон эгаси ёки жа-моа телефони учун масъул шахс ўз зиммасига олади.

Қўшимча маълумотлар учун телефон:
144-39-31, 144-39-32, 144-39-33, 144-39-34.
«Тошкент телеграф-телефон станцияси» ОАЖ

**СИЗ НОХУШ ХОДИСАГА УЧРАДИНГИЗ.
СИЗ ЁКИ ЯҚИНЛИДГИЗ ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИНГИЗ.
СИЗ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ ЮЗАГА КЕЛИШНИ СЕЗДИНГИЗ.
Фавқулодда вазиятнинг ўзи нима?**

Б у :

— уйларнинг кириш-чиқиш йўлаклари ёки атрофларига, шаҳар транспортлари ёки метрога но-маълум нарсас тўқилган ёки сочилиган;

— шубҳали ва эгасиз нарсалар (тўрва-қоплар, чамадонлар, хар хил ўрама, қут-қутча ва шу кабилар);

— алоқа бўлиналарида олинган шубҳали хат, бандерол, йўлланма ва бошқалар;

— транспорт воситалари фалокатга учраган ёрларда жабранган одамлар ёрдамга мухтож;

— темирдан ясалган эшик ёпилиб қолган хонадонларда: ёш гўдаклар ёки қимирлаша мадори йўқ ногиронлар (беморлар) беқилиб қолганлар; ёник ҳақ ўқоғида таом тайёрланмоқда ёки чой қайнамоқ-да; тармоққа уланган даэзмон, иситтиг, фен ва бошқа электр асбоблари ўчирилмаган;

— сувга қўшиб кетган одамни ва қимматбаҳо буюмларни излаш зарур;

— лифта ҳамалиб қолдингиз-у, диспетчер ёки бошқа кимса қақирувингизга жавоб бермапти;

— бошлангичан ёнгини кўриб қолдингиз;

— тақдир солувчи хиллари (газ, ис ва ҳоказо) сезиб қолдингиз;

— фалокат ёки бошқа сабабларга кўра сув тармоқларидан (айниқса, ер остидан) иссиқ ёки совуқ сув отилиб ёки оқиб чиқаётган;

— юрган йўлингизда асфальт қўқан;

— яшаётган ёки ишлаётган мажалингиз, ёхуд фарзандларингиз ўқитган билим юртлари бино-ларининг деворларида хавфли йиришлар мажбур;

— дархаст ёки унинг катта шохларининг қулаб тушиш таҳдиди бор;

— кўз ўнгингизда трамвай, троллейбус ва бошқа электр симлари узилди ва уларнинг учлари осилиб қолди, атрофдагилар хавфга хавф солмоқда.

Ҳамда шуларга ўхшаш ҳолатларга дуч келиб қолсангиз

ЭСНИНГИЗДА ТУТИНГ

Фалокатнинг олдини олиш унинг оқибатларини тузатишдан кўра енгли.

ШУ САБАБ ДАРҲОЛ

ТЕЛЕФОН ҚИЛИНГ ВА ҚУТҚАРУВЧИЛАР СИЗГА ЁРДАМГА ШАЙ.
ТЕЛЕФОН ТУНУ ҚОН БЕЛУЛ ИШЛАЙДИ.
НАВБАТЧИ ТЕЛЕФОНЛАР: 136-29-63, 137-55-73, 144-05-27.
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар Бошқармаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

**Душанба, чоршанба ва жума
кунлари чиқади.**
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажим — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.
2668 нусхалда босилди. Қоғоз бичими А-2

**Нашрни етказиб бериш масалалари
бўйича турар жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига
— 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот кўмитасида
10-рақами билан рўйхатта олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг
компьютер марказида терилиб ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.**
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги